

Туркий давлатлар муфтийлари тарихий ҳужжатни имзоладилар



22:51 / 21.10.2022 1641

Жорий йилнинг 20 октябрь куни Озарбайжон давлатининг Шуша шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти мусулмон диний ташкилотларининг раҳбарлари кенгашининг низомини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда Туркий давлатлар муфтийлари, исломшунос олимлар, эксперт ва диний соҳа ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбир Қуръони Карим тиловати ила бошланди.

Дастлаб Туркий давлатлар муфтийлари томонидан мазкур Кенгаш низоми имзоланди.

Шундан сўнг Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби Бағдод Амриев сўзга чиқиб, туркий давлатлар ҳамкорлигининг тарихи ва бугунги куни, туркий халқларнинг Ислом дини ривожига қўшган ҳиссаси, қардош ва диндош давлатларнинг истиқболи ҳақида сўзлади.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла ҳазратлари ушбу Низом туркий халқлар тинчлиги ва фаровонлигини мустаҳкамлаш, муштарак қадриятларни кенг ёйиш, ўзаро тажриба алмашиш ва турли соҳалардаги алоқаларни янада раванқ топширишга хизмат қилишига урғу қаратдилар.

Маросим якунида оммавий ахборот воситалари билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Туркий давлатлар муфтийлари журналистлар томонидан берилган саволларга жавоб қайтардилар.

Тадбир иштирокчилари Озарбайжон давлатининг тарихий шаҳри Шушадаги табаррук қадамжоларни зиёрат қилдилар.